



Халқ ва армия — бир тану бир жон!

ВАТАН — МУҚАДДАС, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАРАФЛИ БУРЧДИР!



Уч олтин қоида

Бир маҳаллар Ватан ҳимоячисининг юқори жанговар ва жисмоний тайёргарлиги унинг бошқалардан кўра кучлироқ,

қудратлироқ бўлишини таъминлагани рост. Аммо шахсий кузатувларим ва хизмат фаолиятимда дуч келаётган кўплаб ҳаётий мисоллардан келиб чиқиб айта оламаники, бугунги давр юрт посбонлари олдида янгича

талаблар қўймоқда. Юксак маънавиятли, замон билан вобаста фикр юритадиган, кенг дунёқараш соҳиби бўлган ҳарбий қўшинларгина билагадаги кучни, ихтиёридаги жанговар техника ва куралини бошқаларга

қараганда самарали қўлай оляпти. Чунки бугунги замонвий дунёда энг аввал инсониятнинг онгу тафаккурига қарата уруш очилаётгани фикримизни қувватлайди.

Шунинг учун ҳам муқаддас Ватанни ҳимоя қилиш шарафли бурч экани, биринчи навбатда, ёшларнинг қалбу шуурига сингдирилмоқда. Бойси, глобаллашув ва манфаатлар тўқнашуви яққол намоён бўлаётган бир даврда аждодларимиз қолдирган муқаддас мерос ёш авлодга намуна сифатида Ватаннинг садоқатли ҳимоячиси, халқининг муносиб фарзанди бўлиб етишишида муҳим роль ўйнамоқда. Мана шундай улкан маънавий бойлик, мустақиллик учун мардонавор босиб ўтилган шонли йўл ва сабоқлар бугунги Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли ва буюк ўзбек халқи қураётган қудратли мамлакатнинг асосини ташкил этмоқда.

Дунё тарихида ўчмас из қолдирган жасур саркарда, марказлашган буюк салтанат асосчиси, бобокалониимиз Амир Темур айтдики, “Давлат ишларини юритишда ҳаммиша илм-фан билан бир қаторда ҳарбий тизимга эътибор қаратдим. Черикка (қўшин, ҳарбий тузилма) навкар олмақда уч қоидага амал қилдим:

- биринчидан, йилнинг куч-қувватию;
- иккинчидан, қилишни ўйната олишию;
- учинчидан, ақл-заковатию камолотию”.

► Давоми 3-бетда

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР “ЧИНОР” ЛОЙИҲАСИДАН РУҲИЙ ҚУВВАТ ОЛМОҚДА



Барча халқлар каби ўзбеклар ҳам бир ҳовуч марвариддек дунё бўйлаб сочилиб кетган. Турли сабаблар ва тақдир такозосига кўра, юртимиздан узоқда яшайдиган ватандошларимизнинг соғинчи бир хил — Ватан соғинчи. Ҳар хил касб эгалари, турли лавозим, унвонлар соҳиби бўлишса-да, юракларида Ўзбекистон деган титроқ соғинч яшайди. Бу улут ҳис билан яшайдиган ватандошларимизнинг орзу-умидлари “Ватандошлар” жамоат фондининг “Чинор” лойиҳаси доирасида амалга ошди.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ва “Ватандошлар” жамоат фонди ҳамкорлигидаги ушбу лойиҳа тадбирларида иштирок этиш учун Қозоғистон,

Тожикистон, Қирғизистон, АҚШ, Португалия, Россияда яшаётган бир гуруҳ ватандошимиз юртимизга келди.

► Давоми 2-бетда

Иш биланганга минг танга

САМОНИ ҚОПЛАГАН ОҚ КАБУТАРЛАР

ЁХУД ДАЛА ЧЕТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ ОИЛАСИНИ ОБОД ҚИЛАЁТГАН КАМТАРИН ДЕХҚОН ҲИКОЯСИ

Фаррухнинг аждодлари аслида форишлик. Нурота тоғу адирларида шовуллаб турган боғлар, ададсиз узумзорлар барпо этган боғбонлар авлодидан бўлади. Дадаси чўлқуварларга қўшилиб, Дўстлик туманига келган ва шу ерда деҳқончилик қилиб қолиб кетган. Фаррух ҳам улғайгач, Арнасой туманидан ер олиб, ота-боболари касбини давом эттирди, боғдорчилик ҳўжалиги ташкил этди. Холиқ бобо у иш бошлаганида “Илоҳим, сен меҳнат қилган заминдан олтин усин!” дея дуо қилганди. У ташкил этган боғдорчилик ҳўжалигига ном излаб ўтирмади, “Холиқ бобо дуоси” деб ном қўйди. Бобосининг дуоси туфайлими ёки қилган меҳнати самарасими, хайтовур, ҳар йили шираси тилини ёрадиган узум, олма етиштириб, эл дастурхонига тортиқ этмоқда, қўшни давлатларнинг бозорини ҳам обод қилмоқда.



— Ҳўжалигимизда 16 гектар ер бор, 10 гектарига узум, 6 гектарига олма экканмиз, — дейди Фаррух Холиқов. — Узумни экспорт қилиш сал мураккаброқ, шунинг учун олма экспортига кўпроқ эътибор қаратилган.

Дарҳақиқат, ток жуда катта меҳнат талаб қилади. Биринчидан, у сояни ҳам, ҳамсояни ҳам еқтирмайди, боғбон сал эътиборсиз бўлса, ҳосилдорлик кескин тушиб кетади. Иккинчидан, боғбон кетмони билан эрта баҳордан

узумзорга кириб, то ҳосили пишиб етилгунга қадар чиқолмайди. Ток тагидан ўсиб чиққан бир дона бегона ўтни ҳам чопиб, томири билан олиб ташлаши керак. Ҳар йили камиди икки-уч марта бутун токзор қовланиб, ток томирлари эркин ривожланиши учун юмшатилади. Бегона ўт кўпайса, ер сувсизланиб, тоқларнинг шира йиғиши сустлашади.

“Ток хусусиятларига бой ўсимлик, узум инсон танасини тозалайди, қонни янгилаб туради”, дерди Холиқ бобо. У Иккинчи жаҳон урушидаги бир воқеани сўзлаб беришдан эринмасди. Унинг айтишича, урушда бир форишлик йиғит яраланиб, госпиталга тушиб қолади. Яраланган ҳамма аскарларга ҳаб дорига қўшиб етти дондан майиз берилар экан. Ўзбек йиғити еб кўриб, дорига қўшиб берилган нарса майиз эканини сезибди ва уйига майиз юборишларини сўраб хат ёзиб юборибди. Кўп ўтмай унга жўнатма келибди. Қутини очиб, ватанидан келган майизни кафтига тўлдириб оғзига солибди, майизни чайнаб экан, юртини, қишлоғининг ҳидини туйиб, кўзидан дув-дув ёш оқибди. Бир рус йиғити уни кўриб, дарҳол шифокорга югурибди.

► Давоми 4-бетда

Кун мавзуси

АСОСИЙ СТАВКА

ПАСАЙТИРИЛДИ

Бу кредит фоизларига ҳам таъсир қиладими?

Молия тизимида Марказий банкнинг асосий ставкаси, деган тушунча бор. Иқтисодиёт соҳаларида белгиланадиган айрим нарх ва фоиз талаблари шунга асосланади. Масалан, тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар фоиз ставкаларининг аксарияти асосий ставкага боғлиқ. Яъни унинг тушиши ёки кўтарилиши бевосита фоизлар пасайиши ёки ошишига олиб келади.

► Давоми 4-бетда

Сайлов — 2024

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

ЯНГИ ТАРТИБ АСОСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁН 27 ОКТЯБРДА БЎЛИБ ЎТАДИ

Шу йил 26 июлда Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси ва қатор тадбирлари бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашларининг жорий йилда ўтказиладиган сайловини Конституция ва қонунларга тўла мувофиқ ҳолда юқори савияда ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

► Давоми 2-бетда

Олимпиада дафтари

ЗАФАР ЧОРЛОВИ

Нодир ЖОНУЗОҚ

Олимп сари учиб келган қорақўзим, Ғалабага талпин фақат, ғалабага. Ота юртда жаранлаган яқдил сўзим: Ғалабага талпин фақат, ғалабага!

Танти элнинг бор меҳрини бергани Сен, Қалқонман деб алпдай кўкрак кERGани Сен, Энг чаққони, энг полвони, мергани Сен, Ғалабага талпин фақат, ғалабага!

Ялангоёқ она ердан куч олдинг-ку, Қанотсиз ҳам сор, лочиндай учолдинг-ку, Керак пайти номус учун ўч олдинг-ку, Ғалабага талпин фақат, ғалабага!

Шамол билан пойга ўйнаб яйраганим, Қиличини чакмоқларга қайраганим, Темурийлар ичра танлаб-сайлаганим, Ғалабага талпин фақат, ғалабага!

Етти отанг от устиди голиб ўтган, Қўк бўридай увлаб, сурон солиб ўтган, Шер оғзидан ўз ҳаққини олиб ўтган, Ғалабага талпин фақат, ғалабага!

Тиргак бўлмай Ватандаги чинорлар ҳам, Диёнатга устун бўлган минорлар ҳам, Олқишласин рақиблару чин ёрлар ҳам, Ғалабага талпин фақат, ғалабага!

Умид билан кутар боланг — норасида, Онанг учиб юрсин элнинг орасида, Ғалабанга бутун миллат зор аслида, Ғалабага талпин фақат, ғалабага!

Дуо берган қўли қадоқ юртдошинг-чун, Самарқанд, Кеш, Хива, Қўқон ва Шошинг-чун, Оловюррак, голиб руҳли Юртбошинг-чун Ғалабага талпин фақат, ғалабага!

Ютсанг агар, донғи дoston бўлажаксан, Элда азиз, қадри осмон бўлажаксан. Шохсупада Ўзбекистон бўлажаксан, Ғалабага талпин фақат, ғалабага!

Сайлов — 2024

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

ЯНГИ ТАРТИБ АСОСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁН 27 ОКТЯБРДА БЎЛИБ ЎТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашлари сайлови уларнинг ваколат муддати тугайдиган йилда октябрь ойининг учинчи ўн кунлиги биринчи яшанбасида ўтказилиши белгиланган.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашлари депутатларининг ваколат муддати 2024 йилда тугаганини инобатга олиб, сайловлар жорий йилнинг 27 октябрида ўтказилиши ва сайлов кампанияси 26 июлдан бошланиши ҳақида Марказий сайлов комиссиясининг қарори қабул қилинди, — дейди Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомиёв. — Ушбу сайловлар Конституциямизда белгиланган тартибда, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказилади.

Бундан ташқари, депутатликка номзод сайланиш учун сайловчиларнинг нисбий кўпчилиги овозини олиши лозимлиги белгиланди. Унга кўра, номзод тегишли сайлов округида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз тўплаган тақдирда депутат бўлиб сайланиши мумкин бўлади ва шу орқали такрорий овоз беришни ташкил этиш талаб этилмади.

Мажлисда мазкур сайлов мамлакатимизда демократик давлатчиликнинг ёрқин намунаси, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, давлат органларини демократик тарзда шакллантиришда иштирок этишга оид конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Сайловда Қонунчилик палатасининг 150 депутати, Сенатнинг 65 аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, 208 та туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари сайланади. Шунга кўра, 30 мингга яқин номзод, уларнинг 90 мингга яқин ишончли вакили сайлов жараёнида фаол иштирок этиши ҳамда сайлов комиссиясининг 120 мингдан ортиқ аъзоси ташкилотчи сифатида, 70 мингдан ортиқ фуқаро ва хорижлик қўлатувчи сифатида иштирок этиши кутилмоқда.

Сайловнинг мамлакат ҳаётидаги алоҳида ўрнини эътиборга олиб, ушбу жараёнга фуқароларни кенг жалб этиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан 27 октябрдаги сайлов “Менинг танловим — обод Ватаним” шиори остида ўтказилиши эълон қилинди.

Тадбир доирасида сайловнинг технология янгиллиги сифатида ишга туширилган “Е-Saylov” ахборот тизими тақдироти ҳам ўтказилди. Мазкур ахборот тизими орқали сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар, номзодлар, қўлатувчилар ва оммавий ахборот воситалари билан деярли 60 дан ортиқ турдаги муносабати тўлиқ электрон тарзда амалга оширилади. Ахборот тизими бошқа электрон платформалар билан интеграция қилинган, сайловдаги кўпгина тартиб-таомиллар инсон омилсиз тўлиқ автоматлаштирилган тарзда бажарилади.

Мазкур тизимда сайлов жараёнининг 400 мингга яқин иштирокчиси, жумладан, сайлов комиссиялари аъзолари, депутатлик-

ка номзодлар, қўлатувчиларга оид катта маълумотлар базаси шаклланади. Ундан сайлов жараёнининг 32 минг иштирокчиси профессионал тарзда фойдаланади. Фойдаланувчилар билан 40 турдаги SMS хабарнома орқали мулоқот ўрнатилади.

Шунингдек, сайловга оид ахборотлар олишда фуқаролар учун ҳам қатор қулайликлар яратилган. Хусусан, ахборот тизими сайловчилар ва сайлов участкаларига оид статистик маълумотларни олиш, барча турдаги сайловлар бўйича депутатликка номзодлар ҳақида ахборотга эга бўлиш, интерактив хариталарда депутатликка номзодлар ва уларнинг таржимаи ҳоли билан танилиш имконини беради. Умуман, ушбу ахборот тизими сайловларни технология ва очиклик жиҳатдан мутлақо янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Сайлов кодексининг 37-моддасига кўра, сиёсий партиялар Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши ва партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида 40 минг сайловчи имзосини тўплаши лозим.

Комиссия мажлисида сайловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларнинг сайлов қонунчилигида белгиланган муддатларда bosқичма-bosқич ўтказилишини таъминлаш юзасидан календарь режа тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси ҳолис ва мустақил конституциявий орган сифатида бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларнинг миллий қонунчилик, халқаро сайлов стандартларига тўла мувофиқ ҳолда, очик ва ошқора ўтказилиши таъминлаш бўйича зарур чораларни кўради.

Ушбу муҳим сиёсий жараёни кенг ёритиб бориш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ҳузурида матбуот маркази ташкил этилди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ислохотлар амалда

Яқинда Президентимиз раислигида ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ва йил якунига қадар ўсшув вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йил ҳудудий қорхоналарда 164 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ва бу борадаги ўсиш 8,6 фоизни ташкил қилгани эътироф этилди. Хусусан, 87 та туманда ҳудудий sanoat ўсиши республика кўрсаткичидан юқори бўлгани таъкидланди.




Бу борада Хўжайли туманида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ҳудуддаги sanoat қорхоналари нафақат маҳаллий, балки ташқи бозорга ҳам дадил чиқапти. Бу эса Оролбўйи ҳудудининг иқтисодий юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Хўжайилик 28 ёшли тадбиркор Юсуфбек Каримов бугун катта бизнесга эга. Шу боис, уни Оролбўйида яхши танишади. Йигит бундан етти йил олдин “Хўжайилик ун маҳсулотлари” қорхонасига асос солган.

— Қорхонамиз Туркиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган. Бир кеча-кундузда 200 тоннагача ун ишлаб чиқариш қуввати эга. 70 дан ортиқ киши доимий иш билан таъминланган, — дейди Юсуфбек Каримов. — Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти маҳаллий бозорини “Хўжайилик ун маҳсулотлари” ва “Жайхун” бренди остида ун маҳсулотлари билан таъминлаб келяпмиз. Шунингдек, Афғонистон билан шартнома тузиб, ўтган йили 1 миллион 41 минг долларлик, жорий йил шу қунига қадар эса 952,1 минг долларлик ун экспорт қилинди.

Умумий қиймати 30,4 миллиард сўмлик ушбу тадбиркорлик субъекти маҳаллий



БАНДЛИК ТАЪМИНЛАНГАН ЖОЙДА...

бозорда аллақачон ўз ўрнига эга. Бу ерда айни кунда йилига 50 минг тонна ун ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар 28 та савдо шохобчасида сотилмоқда.

Қорхона муҳандис-технологии Рустем Айимбетов ун ишлаб чиқариш жараёни билан таништирди. Завод тўлиқ автоматлаштирилган. Фақат назорат қилиб туриш керак, холос.

Тадбиркор Юсуфбек Каримов қурилиш sanoati ва балиқчилик йўналишида ҳам фаолият юритмоқда. Унга Хўжайилик туманидаги “Саманқўл” овул фуқаролар йиғини ҳудудда 300 минг доллар инвестиция киритиш шарти билан 20 гектар ер ажратилган эди. Тадбиркор бу ерда интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйди.

Мазкур тумандаги “Кун нури” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши маҳаллий аҳоли учун катта воқеа бўлди. Айни пайтда бу ерда 92 кишининг бандлиги таъминланган.

— Қорхонамиз Россия, Қозғоғистон, Туркменистондан нефть маҳсулотларини импорт қилиб, ундан бензин ва дизель ёнилғиси ишлаб чиқармоқда. Ҳозир маҳаллий бозорларни маҳсулот билан таъминлаб, Афғонистонга ҳам экспорт қилаймиз, — дейди “Karabalt Rutoil” қорхонаси раҳбари Хожабай Матякупов. — Қорхонамизнинг лойиҳа қиймати 5 миллион долларни ташкил этади. Йилига 36 минг тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга.

Хўжайилик туманидаги “Kyoung Dong Slice” қорхонаси 2011 йилдан буён қизилмиё илдинини қайта ишлаш билан шуғулланиб келади. Маҳсулот, асосан, Жанубий Кореяга экспорт қилинади. Бугун қорхонада 35 киши фаолият юритмоқда.



— Ҳар йили Жанубий Кореяга 200 тонна қизилмиё илдини экспорт қилаймиз. Ушбу маҳсулотни дастлаб саралаб, сўнг тозалашга киришамиз. Маҳсулот ёз мавсумида қуёш нури таътифта бир ҳафта қурилади. Қишда эса маҳсул пецда қурилади, — дейди қорхона иш юритувчиси Ҳокимжон Мамаджонов. — Қизилмиё таёқчалари ювилгандан сўнг қозонларга солиниб, 100-110 даража иссиқликда бугланади. Шундан сўнг буюртмачилар талаби бўйича маҳсул ускуналарда қадокланади.

Бундай катта қувватга эга йирик қорхоналар Хўжайилик тумани аҳолисини иш билан таъминлаш баробарида ҳудуд иқтисодиётини кўтаришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳақиқатан, бугун туман иқтисодий ривожланиш сари қадам босмоқда. Жорий йил июнь ойи охиригача Хўжайилик туманида 1 миллион 828,1 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, шундан sanoat маҳсулотлари 1 миллион 427,3 минг, мева-сабзавот маҳсулотлари 400,8 минг долларни ташкил этди.

Минажатдин
ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ҳайрат



Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Бошланиши 1-бетда

Шу йил 15 июлдан 21 июлгача давом этган сафарда меҳмонлар Ўзбекистоннинг миллий ва анъанавий урф-одатлари билан танишиб, “Уч авлод учрашуви” маърифий тадбирларида иштирок этди. Тарихий обидаларга саёҳат қилиб, янги Ўзбекистондаги кенг қамровли ислохотларга гувоҳ бўлди.

— Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 11 августдаги тегишли қарорига биноан “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил этилган, — деди фонд бошқаруви раиси Одиложон Сатторов. — У хорижда истикомат қилаётган ватандошларимизни она ватанимиз атрофида янада жипслаштириш, миллий ўзликни сақлаб қолиш, хориждаги юртдошларга маданий-маърифий тадбирлар ташкил этишда кўмаклашиш вазифаларини бажариб келмоқда. Жорий йил 1 июлда “Нуроний” жамағамаси республика бошқаруви вакиллари билан учрашиб, “Чинор” лойиҳаси доирасида ҳамкорликда тадбир ташкил этишга келишгандик. Шу мақсадда турли давлатлардан 45 фахрий ватандошимиз юртимизга келди. “Нуроний” жамағамаси республика бошқаруви раиси, Ўзбекистон

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР “ЧИНОР” ЛОЙИҲАСИДАН РУҲИЙ ҚУВВАТ ОЛМОҚДА

Қаҳрамони, сенатор Содиқжон Турдиев мамлакатимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, улар саломатлигини асраш, мазмунли ҳаёт кечириши ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш борасидаги шароит ва имкониятлар, “Нуроний” жамағамасининг вазирликлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳақида сўзлаб берди.

— “Ватандошлар” фонди билан ҳамкорликда хориждаги юртдошлардан бир гуруҳининг Ўзбекистонга сафари уюштирилган, аввало, мамлакатимизда халқро ҳамдўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги оқилона сиёсат натижасидир, — деди Содиқжон Турдиев. — Узоқ йиллар ҳатто қўшни давлатлар билан муносабатларда ҳам жуда кўп муаммолар бор эди. 2017 йилга келиб, қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларимиз тикланди, мамлакатга эмин-эркин қайиб-чиқиш имкониятига эга бўлдик. Халқларимизнинг ўзаро қариндош-уруғчилик, яқин қўшничилик муносабатлари борасидаги қийинчиликларга барҳам берилди.



Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорога саёҳат меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди. Меҳмонлар зиёратни Хожа Абдуллоҳиқ Гийждувоний мақбарасидан бошлади. Мақбара атрофидаги янги қурилиш ва 10 гектарли боғни кўриб ҳайратланган меҳмонлардан бири — Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи ва Журналистлар уюшмаси аъзоси, Лоҳутий номидаги журналистлар мукофоти совриндори Сулаймон Эрматов биз билан таассуротини ўртоқлашди.



Тошкент шаҳрини томоша қилган ватандошлар ҳайратини яшира олмади. Қозғоғистондан келган ватандошимиз — онколог, тиббиёт фанлари доктори, профессор Насрулла Шоназаров Остонадаги шифохонада терапия маркази раҳбари бўлиб ишлади.

— Тошкентнинг бугунги жамолини кўриб, афсоналар шахрига келиб қолгандек ҳис этдим ўзимни, — дея таассуротлари билан ўртоқлашди у. — Бу ерда барчаси гўзал ва мафтункор. Тошкентга кириб келишим билан юрак-юрагимдан унга яқинлик ҳис этдим. Узоқ йиллар

ота-боболаримнинг асл ватани Ўзбекистонга келиб-кетимиз осон кечмади. Ўзбекистон раҳбарининг сиёсий иродаси билан очилган йўллар икки мамлакат фуқароларининг азалий қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, биз — Ўзбекистондан узоқда яшаётган ўзбекларнинг соғинч изтиробидан эзилган дилига малҳам бўлди.

Қирғизистондан келган Латифжон Аҳмадалиев Жалолобод вилоятидаги Ўзбек миллий маркази раҳбари.

— 1971 йили Фарғона давлат педагогика университетида кимё-биология факультетига ўқишга кириб, 1975 йилда олий маълумотли мутахассис дипломини олиб кетганман. Ота-боболаримнинг асл макони мен учун қанчалик қадрлигини сўз билан таърифлашим қийин. Ўзбекистон қудратли мамлакатга айланмоқда. Тошкент шаҳридаги бир қанча янги қурилган мажмуаларга бордик. Хусусан, технопаркка саёҳат менда катта таассурот қолдирди. Йирик компаниялардаги ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан

танишиб, юртингизда юз бераётган оламшумул ишлардан ҳайратда қолдим.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорога саёҳат меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди. Меҳмонлар зиёратни Хожа Абдуллоҳиқ Гийждувоний мақбарасидан бошлади. Мақбара атрофидаги янги қурилиш ва 10 гектарли боғни кўриб ҳайратланган меҳмонлардан бири — Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи ва Журналистлар уюшмаси аъзоси, Лоҳутий номидаги журналистлар мукофоти совриндори Сулаймон Эрматов биз билан таассуротини ўртоқлашди.

— Бундан 25 йил олдин ҳам Бухорога келганман, аммо у пайтдаги ва бугунги Бухоро ўртасидаги ўзгаришлар жуда катта. Етти пир зиёратгоҳи атрофида фирдавсмонанд боғлар барпо этилибди. Янги қурилган институт ва университетлар, замонавий қиёфа касб этган кутубхоналар, маънавият масканлари, истироҳат боғлари, маҳалла ва гузарларнинг қўрамлиги диққатимни тортиди. Тошкент шаҳридаги ер ости ва ер усти метроси, барча шаҳарлардаги йўллар раволиги, пиёдалар ва велойўлакларнинг гуллар билан ўралгани, майдонлари, машиналар тўла автосалонлар, рестороанлар, кафелар, чойхоналар кўпчилигидан ҳайратдаман, — деди у.

Меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, жумладан, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Регистон ва Амир Темур мақбараларини ҳам зиёрат қилди. “Сиёб” деҳқон бозорини айланиб, Ўзбекистон меҳнаткаш деҳқонлари етиштирган мева, полз эканлари, шунингдек, маҳаллий аҳоли тайёрлаган маҳсулотларни кўрди. Бозорнинг нон расталари, шарқона муҳит меҳмонлар эътиборини тортиди.

— Ўзбекистонга келганимизга бир неча кун бўлди. Барча тадбирлар аъло даражада таассурот олдик, — дейди Қирғизистондан келган Салимаҳон Артикабаева.

Меҳмонлар Самарқанд туманидаги “Кониғил мерос” қозғ ишлаб чиқариш хусусий қорхонаси ва “Боқий шаҳар” мажмуасида ҳам бўлди. Ислохотлар самараси бўлган ободлик ва фаровонликка ҳавас қилиб, янги Ўзбекистонимиз кўнча тарихи, бой маданий мероси, бугунги тарақиёти, барча соҳадаги ютуқлари, кўрку салобати билан дунёга бўйлашиб турганини алоҳида эътироф этди.

Халқ ва армия – бир тану бир жон!



Ҳамдам ҚАРШИЕВ,
Мудофаа вазирининг тарбиявий
ва мафкуравий ишлар бўйича
ўринбосари, генерал-майор



Бошланиши 1-бетда

Бундан етти аср аввал айтилганига қарамай, ушбу уч олтин қоида бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатлари ҳарбий қурилишида дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари пойдевори ҳам айнан мана шу муҳим қоидалар асосига қурилгани мамлакатимизда ҳарбий ишнинг қанчалик тўғри йўлдан кетаётганини тасдиқлайди.

Жорий йил 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда давлатимиз раҳбари фаолиятимизни танқидий таҳлил этиб, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини қайта кўриб чиқиш юзасидан аниқ топириқлар берди. Навқирон авлод вакиллари нинг юртимиздаги ислохотлар жараёнидаги иштирокини ошириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўбга чиқариши учун шароит яратиш муҳимлигига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, ёшларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш мақсадида медиамақондаги ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги ишларни қучайтириш борасида ҳам аниқ вазифалар олдик. Ана шу муҳим топириқлар ижросини таъминлаш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш борасида соҳада қўлгаб ишлар қилинди, янгидан янги лойиҳалар амалиётга муваффақиятли жорий этилди.

“Ғоявий жангчи”

Президентимиз шу йил Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида “Буюк Амир Темур бобомиз айтганидек, ғалаба тақдирини аввало қўшиннинг жанговар руҳи ва тайёргарлиги, маънавий қудрати ва мустаҳкам иродаси ҳал қилади.

Шу боис, миллий армиямизнинг чинакам куч-қудратини белгилаб берадиган кўркам ва довиюрак қўшнларимиз қалбида жанговар руҳини ошириш, уларни ҳар қандай қийинчилик ва синовга чидамли ва матонатли этиб тарбиялаш бундан бўён ҳам эътиборимиз марказида бўлади”, деганди.



Дарҳақиқат, Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий тайёргарлигини ошириш ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари “Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” концептуал ғояси асосида олиб борилмоқда. Шу мақсад йўлида қўшинларда ҳарбий хизматчилар билан фан, маданият ва санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар, буюк саркарда ва аллоамларимизнинг илмий меросини ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари, интеллектуал ўйин ва викториналар, тарихий-маданий масканлар ва диққатга сазовор жойларга саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 32 йиллигига бағишлаб “Янги Ўзбекистон армияси мамлакат қудрати, юксак гуруҳ ва садоқат тimsолидир!” шиори остида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан ижодкор зиёлилар, маданият, санъат ва спорт намояндалари иштирокида маърифий учрашув ва суҳбатлар, маданий-қўнгилочар тадбирлар ҳамда оммавий спорт мусобақалари уюштирилди.

Қолаверса, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси билан ҳамкорликда “Мудофаа вазирлиги қўшинларида

тутувчи бўйруғи қабул қилиниб, унда мансабдор шахслар (гуруҳ, взвод, батальон, ҳарбий қисм командири) учун алоҳида иш алгоритми тасдиқланди, ҳар йили март ва сентябрь ойларида “психологик соғломлаштириш ойлиги”ни ўтказиш белгиланди.

Шунингдек, Мудофаа ишлари бошқармаларида мобил психологик гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Ўз ўрнида муддатли ҳарбий хизматга қақрилаётган фуқаролар билан ўтказилган психодиагностик ўрганишлар натижасида 145 нафар қақрилувчида асаб-руҳий беқарорлик аниқланиб, муддатли хизматга юборилишининг олди олинди.

Республикамизнинг барча ҳудудлари марказларида аҳоли ва ёшларни ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ватан манзумаси” адабий-маърифий кечалари ташкил этилди, уларга 19 мингдан ортиқ аҳоли ва ёшлар, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари қамраб олинди.

Қуролли Кучлар хизматчилари учун ҳар ойнинг учинчи шанбаси “Театр куни” деб белгиланди ҳамда уларнинг театр томошаларига мунтазам таширфлари йўлга қўйилди. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасига туташ ҳудудда барпо этилиши режалаштирилган “Қаҳрамонлар номи барҳаёт” ёдгорлик

Республикамизнинг барча ҳудудлари марказларида аҳоли ва ёшларни ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ватан манзумаси” адабий-маърифий кечалари ташкил этилди, уларга 19 мингдан ортиқ аҳоли ва ёшлар, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари қамраб олинди.



ВАТАН — МУҚАДДАС, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАРАФЛИ БУРЧДИР!



Мудофаа вазирлиги маҳаллий ҳокимликлар ва ёшлар билан биргаликда 123 нафар уруш қатнашчисига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан табрик, эсдалик совға ва 20 миллион сўмдан пул мукофоти топирилди.

мажмуасининг янги ишланма-лойиҳалари ғолиблари тақдирланди.

Мудофаа вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фахрийлар ҳолидан хабар олиниб, маънавий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейида “XX аср жаҳид адабиёти: вужудга келиши, йўналиши, намояндалари, аҳамияти” мавзусида республика илмий анжумани ташкил этилди.

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасалари ҳамда Кинематография агентлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланиб, курсант ва тинловчиларни маънавий, ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш борасида кинофильмлар ҳафталикларини ташкил этиш, олий ҳарбий таълим муассасалари (курсантлар, тинловчилар, профессор-ўқитувчилар) фаолиятига бағишлаб бадий ва ҳужжатли фильмлар яратишга келишиб олинди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли жамоаси водий вилоятларига гас-троль сафарда бўлиб, чекка ҳудудлардаги қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли ва ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун концерт дастурларини намойиш этди. Шунингдек, ўқувчи-ёшларга буюк саркарда аждодларимиз тарихий драмасидан сахна кўринишлари ва роликлар намойиш қилиниб, бадий китоблар тўхфа этилди.

Қўшинларда “Ғоявий жангчи” концепциясини амалга ошириш, тарбиявий ва мафкуравий ишларни самарали ташкил этиш, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савияси ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигини ошириш ҳамда бўлинмаларда мустаҳкам ҳарбий интизомни таъминлаш мақсадида мудофаа вазирининг бўйруғи билан тизимда тарбиявий ва мафкуравий ишларни ташкиллаштириш бўйича низом тасдиқланди.

Миллат гурури ва ифтихори

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбек тили ва адабиёти университети, Шарқ-шўлоқлик университети, Темурийлар тарихи ва Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейлари билан ҳамкорликда 2024-2025 ўқув йили учун маънавий-маърифий тайёргарлигини янги ўқув дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур миллий тарихимиз, жаҳид аждодларимиз ҳамда эзгу қадриятларимизга ҳурмат, ёт ғояларга қарши мафкуравий имунитетни мустаҳкамлашга қаратилган янги мавзулар билан бойитилди.

Қўшинларда ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлигини ошириш ҳамда жисмоний ва руҳий босимларга

ДАВР НАФАСИ

2024 йил 27 июль, 150-сон



мактаби” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинлари ўтказилди. Мазкур тоифадаги ёшлар билан “Ҳарбий қисмда бир куним!” шиори остида махсус дастур бўйича ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ташкил этилди.

“Эр йигитнинг эр йигитга айтган ғоли таъсирли бўлади!” шиори остида ёшларнинг полигон ҳамда ҳарбий қисмларга таширфлари ташкил этилиб, уларга жанговар тайёргарлик машғулотлари намойиш этилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Олис туман ва маҳаллалар ёшлари учун “Мард аскар ёшларга намуна” шиори остида ҳарбий-техника ва қурол-аслаҳалар намойиши, ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги чиқишлари, оркестр ва ансамбль жамоаларининг концерт дастурларини ўз ичига олган ҳарбий-ватанпарварлик қарвонлари уюштирилди. Шу билан бирга, ёшлар ўртасида “Амир Темур издошлари”, “Жалолддин Мангуберди ворислари” ҳарбий-спорт мусобақалари ҳамда соғлом турмуш тарзи тарғиботига қаратилган югуриш марафонлари ташкил этилди.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида маданий қўнгилочар ва ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ўз ичига олган, мудофаа соҳасида инновацион технологиялар фестивали ўтказилди. Тадбир доирасида ёшлар ўртасида дрон-рейфинг, робототехника, учувчисиз учуш аппаратларини лойиҳалаштириш, киберспорт, дастурлаш, ҳақерлик устаси, 3D моделлаштириш мусобақалари ва инновацион ишланмалар бўйича танловлар ўтказилиб, ғолиблар муносиб рағбатлантирилди.

“Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, мактаблардаги 10 мингга яқин отряд март-апрель ойида “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати, май ойида эса “Меҳр-саховат” ишларида фаол қатнашди.

Қозоғистонда 6 та давлатнинг 50 жамоаси ўртасида ўтказилган “Айбон — 2024” халқаро ҳарбий-спорт мусобақасида “Ватан таянчи” жамоамиз фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

Янгича тизим

Мудофаа вазирлигига бириктирилган 1 миллион ёш билан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 812 мингдан зиёд ёшнинг руҳияти шакллантирилиб, 7 тоифага



тарбиялаш йўналишларини янада тақомиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида алоҳида бўлим ташкил этилди.

2024 йилнинг биринчи ярим йиллигига “Турон” ҳарбий театри давлат муассасаси томонидан ўзбек халқининг бой маданияти, буюк аждодларимиз жасоратини ўзида акс эттирган ҳамда ҳарбий хизматчилар ва ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга қаратилган “Чистон”, “Шикор”, “Тешиктош”, “Зиқру анор”, “Омон бўлсанг, унутма”, “Ҳаммаси қўшиқ, ишқ ҳақида” спектакллари сахналаштирилди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли томонидан ҳарбийлар ва ёшларда Ватанга садоқат, мардлик, фидоилик ва миллий гурурини юксалтирувчи ҳамда Ватанимиз мадх этувчи янги қўшиқлар, шунингдек, ҳарбий хизматчиларда миллий ва жанговар руҳини оширишга хизмат қилувчи қўшин турларига оид жанговар-саф қўшиқлари, саф маршлари ва миллий муסיқий асарлар яратилди.

Бундан ташқари, бўлинма таркибида саф қўшиқларини ижро этиш услубияти ва энг яхши ижро этилган саф қўшиғи кўрик-танловининг низоми ишлаб чиқилди ва қўшинларга жорий этилди.

Ҳарбий-ватанпарварлик қарвонлари

“Жиззах тажрибаси” асосида профилактик ҳисобда турган ва тарбияси оғир ёшлар билан ҳарбий қисмлар базасида “Жасорат

аждодларига бириктирилган ҳарбий хизматчилар “Маҳалла еттичилиги” билан қарий 793 минг ёшни хонадонбай асосда бирма-бир ўрганди. Улар билан ўтказилган яқна тартибдаги суҳбатлар натижасида 102 минг 281 муаммоли ёш аниқланиб, 14 минг 441 нафарининг муаммолари сектор ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари ёрдамида ҳал этилди.

Қурулли Кучлар Академияси (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Жиззах вилоятларидан 24 минг) ва Чирчиқ олий танк қўмондонлиқ-муҳандислик билим юртига (Тошкент вилоятидан 10 минг) бириктирилган оғир тоифадаги ёшлар билан тизимли ишлаш бўйича тегишли ҳокимликларнинг алоҳида қарорлари қабул қилинди.

Ёшларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва уларга чет тилларни ўргатиш борасида “Ватанга содиқ ёшлар” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинлари ўтказилиб, 11 мингдан ортиқ ёш ўқитилди.

Умуман олганда, юқорида келтирилган рақам ва маълумотлар ҳисоботларини безаб турадиган шунчаки фактлар эмас. Чунки ҳар бир рақам ортида она Ватанимизнинг келажиги бўлган умидли ёшларимиз, мамлакатимиз қудрати, истиқлолимиз таянчи — миллий армиямиз сафида шараф билан хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларимиз тақдирини, эртанги кунга ишончи муқассам.

Зеро, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёганидек, “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё ҳалокат — ё саодат, ё фалокат масаласидир”.



Кун мавзуси

АСОСИЙ СТАВКА
ПАСАЙТИРИЛДИ
13,5%

Бу кредит фойзларига ҳам таъсир қиладими?

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Асосий ставка 2017 йилнинг июнь ойи охирида, валюта либерализациясига тайёргарлик доирасида 9 фойздан 14 фойзгача кўтарилган ва шундан кейин бугунги кунгача 14 фойздан пастга тушмаган эди. Шу кунларда ушбу ставка охириги 7 йилдан буён илк бор пасайтирилди. Аниқроғи, жорий йил 25 июль куни Марказий банк бошқаруви асосий ставкани 0,5 фойз бандга пасайтириб, йиллик 13,5 фойз даражасида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши бир қанча омилар билан боғлиқ, — дейди Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов. — Бунга, аввало, охириги ойларида базавий инфляция барқарор пасайиб бориши ҳамда энергия тарифлари оширилишининг инфляцияга иккиламчи таъсирлари қўйилганидан паст бўлаётгани ва натижада йил якунига инфляция прогнози пасайиши таъсир кўрсатади. Хусусан, июнь ойида умумий инфляция йиллик 10,6 фойз даражасида шаклланиб, инфляциянинг барқарор компонентлари ва мева-сабзавот нархларида сезиларли пасайиш кузатилди. Январь-июнь ойларида истеъмол савати таркибидagi 73 фойздан ортиқ товар ва хизматлар нархлари ошиши аввалги йилдагидан паст бўлди. Айниқса,

жорий йилда мева-сабзавотлар ўртача нархи ўзгаришининг инфляцияга таъсири сўнгги 4 йилликдаги энг паст кўрсаткични қайд этди. Базавий озиқ-овқат инфляциясининг йиллик 4,1 фойзгача пасайиши кузатилди. Энергия тарифлари ўзгаришисиз ҳисобланган умумий инфляция 7 фойзгача пасайди. Ушбу омилар аҳолининг инфляцион қўтималарига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, июнь ойида бу 12,8 фойзгача ва тадбиркорларда эса 11,9 фойзгача пасайди. Натижада инфляция келгуси чоракларда ҳам пасановчи траекторияда шаклланишига ишончимиз ошиб бормоқда. Йил якунида умумий инфляциянинг 9 фойз атрофида шаклланиши ва 2025 йил охирида 5 фойзлик таргет даражасига яқинлашиши қўтимлоқда.

Шунингдек, янгиланган прогнозлар бўйича ҳозирги кунда шаклланган 0,5-0,6 фойзли ЯИМ ижобий тафовутининг йил якунигача ёпилиши қўтимлоқда. Бунда иқтисодий ривожланишининг таъсири катта. Бунга жорий йилнинг 1-ярим йиллик якуни бўйича мамлакатимиз иқтисодиёти реал ҳисобда 6,4 фойз ўсгани ҳам тасдиқлайди. Юқори инвестицион фаоллик, хусусан, тўғридан тўғри хорижий ва хусусий капитал қўйилмалари ялпи инвестицион талаб ошишига хизмат қилмоқда. Тадбиркорлар фаолиятида ҳам, аҳоли турмуш даражасида ҳам ижобий ўсиш ортмоқда. Одатда меҳнат бозори динамикасини ўрганиш учун муқобил кўрсаткич сифатида бўш иш ўринлари бўйича эълонларни кузатиб борамиз. Апрельдаги юқори кўрсаткичлардан сўнг май-июнь ойларида эълонлар камайиши кузатилди. Бунга, бир



томондан, мавсумий характерлиги билан, яъни ёз ойларида айрим соҳаларда ишчи кучига эҳтиёж қисқариши, бошқа томондан, меҳнат бозорида ишчи кучига талабнинг муайян даражада мувозанатлашиши билан изоҳлаш мумкин.

Пул бозоридagi шаронглар нисбатан қатъий фазада шаклланиб, аҳолининг жамғариш фаоллиги ошиб бораётгани ҳам муҳим жиҳатлардан бири. Хусусан, 2-чорақда ҳам “нисбатан қатъий” пул-кредит шаронглари таъсирда пул бозори фойз ставкалари асосий ставкага яқин, инфляциядан 3-4 фойзли ижобий тафовут билан шаклланди. Мазкур жиҳатнинг сақланиб қолиши ва алмашув

курси барқарорлиги сўмда жамғариш жозибадорлигини ошириб, аҳоли омонатларида юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда. Айни пайтда аҳоли омонатларининг қарийб 80 фойзи сўмда шаклланган бўлиб, сўмдаги муддатли депозитларида йиллик 1,5 баробарлик юқори ўсиш суръати сақланиб қолмоқда.

Ўзгариш қанчалик сезилади?

Марказий банк асосий ставкасининг ярим фойз бўлса-да, пасайиши аҳоли томонидан қизгин қарши олинди. Одамлар энди

банк кредитлари фойзалари ҳам пасайишини тахмин қилмоқда. Иқтисодчилар фикрича, 0,5 фойз тушган асосий ставканинг очиқ бозордаги депозитлар ва кредитлар нархига таъсири юқори бўлмайди.

Марказий банк раисининг таъкидлашича, ставканинг пасайиши у билан боғлиқ ўзгарувчан фойзаларда ажратилган кредитларнинг ҳам худди шу даражада пасайишига таъсир кўрсатади. Масалан, эндиликда таълим кредитлари йиллик 13,5 фойз, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасидаги кредитлар эса йиллик 17,5 фойз ставкада ҳисобланади. Бу ҳатто бугунги кунга қадар олинган кредитларга ҳам амал қиладди. Чунки тижорат банки билан тузилган шартномада олинган кредит фойз ставкаси асосий ставкага боғланган ҳолларда у ўзгариши (ошиши ёки пасайиши) аниқ кўрсатилган бўлади.

Аммо мутахассислар кредит фойзаларини асосий ставкага боғлаб хулоса қилиш бирмунча нотўғри эканини ҳам таъкидламоқда. Боиси, қарз олувчи билан банк ўртасидаги мулоқот қарз олувчининг тўлов лаёқатидан келиб чиқиб белгиладиган жараёндир.

Мутасаддиларнинг билдиришича, мамлакатимизда йил бошидан буён депозит ва кредит фойз ставкалари динамикаси турлича қўрилишига эга бўлди. Аҳолининг миллий валютадаги омонатлари фойз ставкаларида кичик ўсиш кузатилган бўлса, кредитлар бўйича сезиларли ўзгаришсиз қолиб, ўртача 23,6 фойзни ташкил этган. Маълумотларга кўра, шу йилнинг биринчи ярим йиллигида банклар томонидан жами 127 триллион сўм

кредит ажратилган бўлиб, унинг 64 фойзи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади.

Умуман, фойз ставкаларини бозор талаблари асосида доимий кузатиб бориш ва ўзгаришлар киритиб туриш самаралироқ, назаримизда. Чунки ҳозирги шароитда бозор тенденцияси ниҳоятда ўзгарувчан ва нарх-навои олдидан прогнозлаш анча мушкул. Аҳоли даромадлари ва яшаш шароитлари борасида ҳам шундай дейиш мумкин. Бундай шароитда белгиладиган ставкаларнинг ошиши билан бирга пасайиши ҳам одатий ҳолга айланиши керакдек.

Марказий банк бошқарувининг асосий ставкани 0,5 фойз пасайитириш қарорини иқтисодиётда базавий инфляциянинг барқарор пасановчи тренди вужудга келгани ва йил якунига қадар инфляциянинг прогноз даражасигача пасайиши учун етарли шаронглар шаклланишини эътироф этиш деб баҳоласак тўғри бўлади, — дейди Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов. — Бу қарор пул-кредит шаронгларини қатъийлик даражасига сезиларли таъсир кўрсатмайди ва унинг “чекловчи” хараكتери сақланиб қолади. Ноаниқликлар ва хатарлар мавжуд шароитда эса шаклланаётган иқтисодий вазият, инфляция динамикаси ва прогнози, инфляцион қўтималар ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича энг сўнгги статистик маълумотларга асосланиб, ҳар бир бошқарув йиғилишида тегишли қарорлар қабул қилиб борилади. Асосий мақсад жорий йил якунига қадар инфляция даражасини 9 фойзгача пасайитириб, ўрта муддатли истиқболда унинг 5 фойзли таргетига эришишдан иборат.

Яна бир маълумот. Марказий банк бошқаруви Давлат қимматли қоғозлари даромадлилик эгри чизигини ҳисоблаш ва эълон қилиш тартибини ҳам тасдиқлади. Унда молия бозори иштирокчиларининг фойз ставкалари ва макроиқтисодий қўтималарини ўрганиш, қарз мажбуриятлари бўйича муддатлар ва фойз ставкалари ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида маълумот тақдим этиш ҳамда иқтисодиёт субъектларининг инвестицион қарор қабул қилишига қўмаклашиш каби вазифалар назарда тутилган. Мазкур тартибга кўра, жорий йил 1 сентябрдан давлат қимматли қоғозлари даромадлилик эгри чизиги ҳар ҳафта Марказий банкнинг расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилиб борилади.

Иш биланга минг танга

Бошланиши 1-бетда

У “Тез юринг, ўзбек аскар ўзини ўлдирмоқчи, қафлаб дори епти!” дебди. Шифокор келса, ҳақиқатан, ўзбек аскарлари бошқаларни ҳам майиз билан меҳмон қилаётган экан. Шундан сўнг аскар йигит шифокорнинг илтимосига кўра, уйига тез-тез хат ёзиб, майиз жўнатишларини сўрайдиган бўлибди. Ўзбекистондан борган майизларни ярадор аскарларга тарқатар экан.

— Мен Форишга бориб, миришкор боғбонлардан маслаҳат олиб тураман. Токзоримда майизбоп узумларни кўпайтириш устида изланилман. Тўғри, майиз тайёрлашнинг заҳмати кўп, аммо Боғдоннинг сояки майизини етиштирган кунин ҳамма қийинчилик ва чарчоқлар чиқиб кетса керак, — дейди Фаррух кулимсираб.

Фаррухни Арнасойда яхши билишади. Ғалати одатларига ҳам кўникиб кетишган. Ғалати одатлари эса унинг ишқибозлиги. У парранда боқишга қизиқади. Болалигида ҳам каптар боққан. Мол озукаси учун жамғарилган донни каптарларига бериб, молга ем етмай қолганда дадасидан яхшигина гап эшитган пайтлар ҳам бўлган.

— Даладан чарчаб келганимда, каптарлар қафаси эшигини очиб юбораман. Самони оппоқ каптарлар қўлайди, уларга қараб туриб хуштак чалиб юбораман. Хуштагини эшитган каптарлар кўкда турли “рақслар” кўрсатади... Кўнгида осудалик пайдо бўлади, — дейди Фаррух.

У ўз туйғуларига бизни ҳам ошно қилиш учун каптарларини парвозга ундайди. У айтгандай, кўк оппоқ каптарларга тўлди. Уларнинг училишига маҳлиё бўлиб қолганингни сезмайсан, гўё улар тинчлик,

САМОНИ ҚОПЛАГАН
ОҚ КАБУТАРЛАРЁХУД ДАЛА ЧЕТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ ОИЛАСИНИ
ОБОД ҚИЛАЁТГАН КАМТАРИН ДЕХҚОН ҲИКОЯСИ

озодлик рамзидай, бепоён осмонни кучишади.

Фаррух Холиқовнинг дала уйини айланиб, 40 дан ортиқ товуқ боқилаётганини, бир қафасда эса беш-олтита тустовуқ, каклик борлигини кўриб, унга савол назари билан қарадик.

— 2023 йилда Президентимиз вилотиимизга таширф буюрганида Пахтакор туманидаги “Пахтакор элита уруғчилиги” фермер хўжалиги даласида бўлганида ва дала четларидаги ерлардан самарали



Дарҳақиқат, қизил, оқ атиргуллар чамандай гуллаган, ифори атрофга таралмоқда. Арчалар эса одам бўйидан баланд бўлиб қолибди, улар теграсидаги салқинлик Арнасойнинг жазирасида одамга хуш ёқадди. Дала уйининг атрофи ҳам ям-яшил, бир томонда картошка гуллаб бошлаган, 3-4 сотих жойда саримсоқ ва кўкатлар барқ уриб ўсмоқда.

фойдаланиш, фермер ва ишчиларга қўлайлик яратиш учун дала уйлари қуриш зарурлигини айтган эди. Ушанда “Пахтакор элита уруғчилиги” фермер хўжалиги дала четига тут, узум, полиз ва дуккакли маҳсулотлар экилгани, асалари уйлари қўйилганини кўргандим. Дала уйи энгил конструкциялардан қурилган, томида қуёш панеллари ўрнатилгани менда ҳам ҳавас уйғотди. Шундан кейин дала уйи атрофини обод қилишга киришдим. 2000 туп турли рангдаги атиргуллар, 80 туп арча олиб келиб экдим, — дея ҳикоя қиладди Фаррух.

Дарҳақиқат, қизил, оқ атиргуллар чамандай гуллаган, ифори атрофга таралмоқда. Арчалар эса одам бўйидан баланд бўлиб қолибди, улар теграсидаги салқинлик Арнасойнинг жазирасида одамга хуш ёқадди.

Дала уйининг атрофи ҳам ям-яшил, бир томонда картошка гуллаб бошлаган,

3-4 сотих жойда саримсоқ ва кўкатлар барқ уриб ўсмоқда.

Фаррух ўтган йили яна бир хайрли ишга қўл урди. Даласи чеккасида 6 сотих қақадиган ер қаровсизликдан қамиш босиб ётарди. Уша жойини тозалаб, техника ёрдамида 5-6 метр чуқур қовлатди. Узунлиги 80, эни 6 метрли чуқурни кўрган атрофдаги фермерлар “Фаррух бу ерга силос бостирса керак”, дейишди. Аммо “ғалати” йигитнинг режаси бошқа эди. У сизот суви чуқурликка бошқариб, тўлдирди. Чуқурлиқнинг бир томонидан сув чиқиб кетадиган жой қилиб, зогора ва оқ амур баликлари чавоқларини ташлади.

— Бу ишларнинг ҳаммаси оиламизга қўшимча даромад кириб туриши учун. Картошка ва сабзавот, полиз экинлари сотиб олмаймиз, ҳаммасини дала чеккасидаги ерларга экиб қўйганман. Аммо асосий эътиборимни токзорга қаратганман.



Арнасойда ҳам доврўғи оламини тутган Боғдон сояки майизлари етиштириб, хорижий давлатларга экспортини йўлга қўймоқчиман, — дейди Фаррух.

Ҳозирги пайтда “Холиқ бобо дуоси” боғдорчилик хўжалиги ерларида токнинг сўғдиёна, хусайни, келинбармоқ, Р-1 навлари ишком усулида парвариш қилинмоқда. Боғбонлар таъбири билан айтганда, қора узумларга ола кириб қолди.

Халқимизда “Уруғинг билан эмас, ҳосилинг билан мақтан”, деган нақл бор. Шунинг учун Фаррухдан қанча ҳосил олишни мўлжаллаётгани ҳақида сўрадик.

— Боғбондан ер ҳақида сўранг, экин ҳақида сўранг. Ёмғир ёгса, ҳосилим мўл бўлади, деб қувонади у. Аммо токзор ортиқча намликни ҳам ёқтирмайди. Қанча

ҳосил олганимни кузда айтаман, — деди у камтарлик билан.

Ҳа, қўёшининг чиқиши, ҳатто янги ойнинг пайдо бўлишига қараб ҳосил чўғини айтиб берадиганлар бор. Бироқ об-ҳавонинг кескин ўзгариши, аномал ҳарорат, қўтимлаганда ёмғир ва дўл ёғиб қолиши бутун умидларни сўндириши мумкин. Йил қўроққил ёки ҳосил мўл бўладими, табиатдан ўрганади деҳқон башоратни. Лекин орзулар қанотида яхши ниятлар билан меҳнат қиладиган минглаб деҳқонлар, боғбонлар пок мақсадлари табиат инжиқликларини ҳам енгиб ўтишга қодир.

Асад МУСТАФОЕВ,
журналист

Ўзбекистон спорт делегацияси Токио-да ўтган ёзги олимпиадада 3 та олтин ва 2 та бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида 32-ўринни эгаллаганди. Парижда бундан-да юқори натижага эришиш учун спортчиларимизда имконият етарли.

Ўзбек спортчиларининг халқаро арена-ларда эришаётган ютуқлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Бунга мисол талайгина. Боиси юртимизда спортни ривожланти-риш ва иқтидорли ёшларни тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қар-ратилиб, тизимли ишлар бажариляпти. Айниқса, ҳудудларда замонавий спорт инфратузилмалари барпо этилаётгани эришилаётган ютуқларда муҳим омил бўл-моқда.

Навоий вилоятида бугун 19 та спорт таълим муассасаси фаолият юритмоқда.



шугулланади. Улардан 17 таси олимпия, 2 таси миллий ва 1 таси ноолимпия спорт туридир. Таълим муассасасида ёшлар спорт билан шугулланиши учун барча ша-роит ва имконият яратилган, замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган, — дейди Кармана тумани спорт мактаби ди-ректори Зокир Қиличев.

Ушбу спорт мактаби тарбияланувчиларининг маҳаллий ва халқаро турнирларда эришаётган ютуқлари салмоқли. Жумла-дан, 129 спортчи ҳар хил спорт тури бўй-ича Ўзбекистон чемпионати ва кубокларида олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритган. Шунингдек, мактабнинг 7 ўқув-чиси Осиё, 3 ўқувчиси жаҳон чемпионати совриндорлари қаторидан жой олган. Жо-рий йилнинг ўтган даврида мактабнинг 8 спортчиси Ўзбекистон, 2 спортчиси халқаро спорт устаси талабларини бажар-ди. Айни вақтда 62 ўқувчи спорт устали-гига номзод.

Спортчилар орасидан чемпионлик-ка даъвогар иқтидорли ўқувчилар са-раланмоқда. Машгулотлар жараёнида замонавий спорт жиҳозлари ва анжом-ларидан самарали фойдаланиш, мураб-бийлар томонидан янги услубларни жо-рий этиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, тур-ли спорт турлари бўйича мусобақалар



уюштирилиб, юртимизнинг таниқли спортчилари иштирокида маҳорат дар-слари ҳам мунтазам ташкил этиб келин-моқда. Бу жараёнлар спортчиларни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Жорий йилда карманалик енгил атлетикачи қиз-лар “Беш ташаббус” олимпиадасининг республика босқичида 3-ўринни эгалла-гани ҳам машаққатли меҳнат ва машгу-лотлар самарасидир.

Ёзги таътилда Навоий шахридаги 1- ва 2-Болалар спорт мактаблари ҳам спортсе-

варлар билан гавжум. Бокс, эркин кураш ва бошқа спорт турлари бўйича навбат-даги мусобақаларга қизгин тайёргарлик қўрилоқда. 2-Болалар спорт мактабида бадиий гимнастика, футбол, стол тенни-си, енгил атлетика, баскетбол, дзюдо, ту-рон яққа кураши, теннис каби спортнинг 14 тури бўйича тўғарак фаолият юритяпти.

— Спорт мактабимизда 1400 га яқин ўқувчи 10 та олимпия, 2 та ноолимпия ва 2 та миллий спорт тури бўйича 38 мала-кали мурабий қўмағида шугулланмоқда.

Спортчиларимизнинг 59 нафари тур-ли спорт турлари бўйича терма жамоа аъзоларидир. Ўзбекистон чемпионати ва халқаро мусобақаларда ўқувчиларимиз муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Яқинда Душанбеда дзюдо бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда спортчимиз брон-за медални қўлга киритди. Албатта, ёш спортчиларга яратиб берилаётган замона-вий шароитлар ва имкониятлар ютуқларга йўл очмоқда, — дейди Навоий шахридаги 2-Болалар спорт мактаби директори Хол-мурод Равшанов.

Спорт мактабида янги теннис корти ишга туширилганига қўп вақт бўлмаган эса-да, бу спорт тури билан шугулланиш истагидаги ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Чунончи теннис болалардаги таянч-ҳаракат, нафас олиш ва юрак-қон томир тизими фаолияти-ни яхшилайти, тезлик, қаққонлик, чидамли-лик, мураккаб вазиятда тез ва оқилона ечим топиш қобилиятини ривожлантиради. Ушбу ўйин асосан, очиқ ҳавода ўтказилиши сабаб-ли, биринчидан, жисмоний чиниқишга хиз-мат қилади. Иккинчидан, ўйинчиларнинг атроф-муҳит таъсирига чидамлилигини ҳам оширади.

Пойдевор мустақкам бўлса, келгусида эришиладиган ютуқлар ҳам шунга монанд бўлади. Бугун замонавий спорт мактаб-ларида шугулланаётган ёшлар орасидан жаҳон ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтарадиган чемпионлар етишиб чиқишига шубҳа йўқ. Бунинг учун шижоат ҳам, мақсад ва имконият ҳам етарли.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мулоҳаза



Комила КАРОМОВА,
Республика Матнавиёт ва
маърифат маркази Қашқадарё
вилояти бўлими раҳбари

— Яхшиси, сизга бир бошидан гапириб бераман, — “Маҳалладошим” шундай деб, таклифни ҳам кутмай стулга ўтириб, гапира бошлади. — Биз етти ака-укамиз, олтитамиз ўйли-жойли бўлганмиз. Кичкина укам 23 ёшда, ҳали ўйлангани йўқ. Отам бир умр савдо ходими бўлиб ишлаб, пенсияга чиқди. Ҳозир 68 ёшда. 20 кун аввал инсульт бўлиб ётган отам қолиб, соппа-соч юрган онам вафот этди. Онамнинг маърасини ўтказганимиздан буён акаларим-дан биттаси ҳам дадамдан хабар олгани йўқ. Энди ўзингиз ўйланг, укам кун бўйи ишда. Отам тўшақда. Шунинг учун дадамнинг кўзи очик-лигида ҳовлини сотиб, пулнинг бир қисмига укамга “дом” олиб бераман. Бобойни эса олиб кетаман, барибир узоқ яшамайди. Ҳовлини тез сотиб юбормасам, кейин хомталаш бўлади, даъ-вогар қўлади. Шунинг учун биров билиб, би-ров билмай сотиб юборишим керак.

— Айни пайтда отангиз қаерда?

— Ҳовлида.

— Тўшақда бўлса, ким қараётти?

— Каравотларини кўча четига, қўшига яқинроқ жойда қўйганмиз. Дарахтнинг сояси... Қўшниларимиз яхши одамлар, қараб туришиб-ди...

— Отангиз етти ўғилга ўғай эмасми?

— Йўғ-э, нима даясиз, ота-онамиз битта. Фақат уларнинг айби — бизни меҳрли қилиб тарбияламаган...

СЕН КЕТМАГИЛ, ОҚИБАТ

— Опа, бир маслаҳатингизни олай деб келувдим, — деди рўпарамда тик турган 32-35 ёшлардаги йигит. Сўнг қўшиб қўйди. — Узи маҳалладош эканмиз.

— Шундайми?

— Ховлини сотмоқчи эдим. Лекин буни ҳеч ким билмаслиги керак-да.

Хайрон бўлдим.

Ортиқ жим туришим мумкин эмасди. Агар яна озгина қўйиб берсам, йигит ота-онасини муҳокама қилишга ўтарди.

— Шошилманг, ука, маҳалладош бўлсак, ота-акаларингизни танисам керак. Уй сотиш-нинг ҳам ўз қонун-қоидаси бор. Сиз ўйланган-дек осон эмас.

Шу сўзларни айтгачман-у, “шу бугун ўтаман маҳаллага”, деб ўзимга қатъий режа белги-ладим. “Қандай хонадон у? Қандай оила, ота, меҳрсиз ўғиллар?”

Пешинга бориб, кун қизгандан қизиди. Тўшлик маҳали “сотиладиган ҳовлидаги ота”ни кўриш учун йўлга чиқдим. Уйни осон топдим. Ҳақиқатан, кўчада (дарвозахонада ҳам эмас) сим каравотда бир бурдагина бўлиб, отахон ётарди. Олдида 12-13 ёшли бола, елиб турибди. Қўшни ҳовлидан 40 ёшли жувон кўринди.

— 25 йиллик қўшнимиз, бизга туғишган-дек. Ўғлим таштида бўлгани учун бобосига қараётти.

Мен қўшни жувондан отахоннинг фарзанд-лари ҳақида сўрайман.

— Билмасам, ўғил ўғил экан-да. Қизнинг йўқлиги шу пайт билнаер эканми? Бир кун эслари кириб қолар...

Каравотдаги одам бир маҳаллар топар-мон-тутармон савдо ходими эди. Маҳаллада биринчи машинани шу киши ҳайдаган. “Ошхо-насиғача рангли телевизор бор”, деб шу оила ҳақида гапирилар эди.

Секин-аста қўшни-қўшни йиғила бошлади. Ким у деди, ким бу деди. Кимдир айбони фар-зандларга агарди, кимдир оқибатсизлигини ил-дизини тарбиядан қидирди. Хуллас, узоқ муҳокама бўлди. Ниҳоят, хулосани маҳалла-нинг кайвониси Мушарраф момо айтди:

— Тўхтанлар, болаларим, мен эртага 5 кило гуруч дамлай. Ҳамма ўғил-келиндарни, қўни-қўшинни йиғайлик. Дугонамга дуои фотиҳа бу-юримиз. Ҳовлини соттирмаймиз. Ўғилларнинг бирови кўчиб келса-келар, бўлмаса, 12 та қўшни бир кундан қарасак ҳам... Олдиларидан бир ўтай-лик. Сиз ҳам келинг, қизим, — дея менга юзла-нади момо.

Қари билганини пари билмайди, деб тўғри айтишган-да. Момонинг фикри барчага маъқул бўлиб тарқалди. Ортигдан эса келганимиз кўрганим — боланинг овози эшитилади.

— Она, бобомга дори ичириш ёдингиздан чиқмадими?

Боланинг сўзидан руҳим енгиллашди.

Яқинда шаҳар ривож учун қўп меҳнат қи-либ, обрў-эътибор билан нафақага чиққан ҳур-матли инсон вафот этди. Отанинг биттагина ўғли бўлиб, у узоқ Америкада яшарди. Ишо-насиғми, бутун бошли “дом” чопон кийиб, таъзия қабул қилди. Аёллар рўмол ўраб, марҳумнинг уйида чирок ёқиб, ис чиқа-риб туришди. Бўлмаса, улар қизи ёки ўғли эмас эди, қариндош ҳам бўлма-ган. Лекин улар қўздек қўни-қўшни, шогирд эди. Улар яна оқибатли ин-сон эди.

Оқибат, оқибат шуңчалар буюқ, улугсан. Шу қадар серош, шу қадар камёб туйғусан. Оқибат — инсон-нинг инсонга энг катта муқоф-ти, энг катта шафоти. Бировнинг кўнглини олиш, айниқса, кексаётган ота-онанинг кўнглига қараш...

Идорамиздан унча узоқ бўлмаган жойда бир уй бор. Шу уйдан ҳар кунни паст бўйли, хушмуомала, беозоргина бир отахон чиқади. Қўпича 50-60 қадамча ёна-ён юриб келамиз. Ота кун бўйи кутубхонадан чиқмайди. Баъзан менга ҳам мавзулар таклиф қилади. “Ер ости йўлакларидagi хароб аҳво-ли қачон гапирасан, янги бозор йўлидаги но-қулайлиқни-чи?”

Отахоннинг аёли вафот этганига ўн йил бў-либди. Ўн йилдирки, оилали учта ўғли билан бир ҳовлида яшар экан.

— “Келинлар кўзғолони” ҳам бўлиб тура-дим, — дейман.

Отаҳон эса ўша беозор жилмайиш билан: — Омон бўлишсин, — дейди.

Ҳолбуки, “омон бўлгуз келинлар” овқат су-заётганда баъзан отани унутиб ҳам қўйишади. Битта қўйлақни ювиш ҳам бу “эсли” келинлар-нинг эсидан чиқади.

Аммо отахон бу ҳақда чурқ этиб оғиз оч-майди.

— Соғ бўлишсин, — дейди доим.

Бундай ўйлаб қарасам, ота-она то кўзи очик экан, соғ экан, бир умр фарзандига хизмат

қиларкан. Фарзанд эса ота-она унга боғлаб берилмаганини билса-да, баъзан кўнгил олиш-ча шошилмас экан. Битта ота ўн фарзанднинг кўнглини олиб, боқар экан, лекин ўнта бола битта отанинг кўнглини ололмас экан, деган ибора бежиз айтилмаган. Зотан, битта бўлса-да, ўн ўғилнинг ўринини боса оладиган меҳрибон фарзанд бўлганида бугун “Саховат”, “Мурув-ват” уйларидаги ота-оналар дарвозага кўз ти-киб ўтиришмас эди...

Эртага маҳалламга, қўшни кўча, қўшни хонадонга бораман, етти ўғилни боққан ота



ҳақида етти ўғилнинг фикри қандай бўлади? Оқибат кўрсатиладими?

Илоё, ҳали хонадондаги оқибатнинг девор-лари нурамаган бўлсин-да...

Бир кунни бойлик, омад ва оқибат йиғилиб қолиб, мақтана бошлашибди.

— Одамларга энг керакли нарса менман, — дебди бойлик. — Ҳамма мени кутади, мени яхши кўради, мени деб, керак бўлса, қон-қа-риндошидан, жигаридан кечади.

— Йўқ, энг керакли нарса менман, дебди омад. — Мен бўлмасам, сенга йўл бўлсин. Шу-нинг учун ҳамма йўлмизга интизор бўлиб мени кутади. Одамларга биринчи ўзим керакман. Мен биринчидан, биринчи... Бойлик билан омад бир чеккада мунгайиб турган оқибатга қара-б, “тўғримми?”, дейишибди мағрур.

— Тўғри, айтасизлар, — дебди кўзда ёш билан оқибат. — Мени ҳамма ҳам эсламайди, ҳам-ма ҳам чорламайди, йўқламайди, шунинг учун бошимни олиб узоқларга кетиб қолай дейман-у, лекин баъзи одамлар сира қўйиб юборишмаяпти. Қўлимдан маҳкам тутиб туришибди. Мен уларга бойлик, омад, шодлик олиб келар эканман. Май-ли-да, ҳар ҳолда кимгадир керакман-ку...

Шу ҳикоя ҳақида кўп ўйлайман. Дунёми-зи, кўнглимизни ёруғ қиладиган аслида нима ўзи? Бойликми? Келадиган ёки кутадиганимиз омадми?...

Шифоҳона дарвозаси олдида ҳар кунни 27-28 ёшлардаги, ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган йигитнинг қўлида дори-дармон, овқат, мева билан ичкарига қираётганини кўраман. Бир кун эмас, ўн кун эмас, ойлаб шу ҳол тақ-рорланибди. Бир хил ҳолат: қўлида дори, озиқ-овқат, мева...

Уша йигит — Бахтиёр оиладаги 3 фарзанднинг тўнғичи экан. Онаси 40 ёшга ҳам қирмай вафот этибди. Отаси ноғирон. Шу боис, оиланинг ташвиши унинг зиммасига тушибди. Энг кичи-кина 15 ёшли синглиси оқир дардаг чалиниб, бир йилдан буён қўлидаги дарвоза-дан даволанаркан. Ўзидан 5 ёш кичкина укаси билан суҳбатлашиб қолдим.

— Акам бир йил илгари ўйлаганини керак эди. Тўй кунни ҳам белгиланган пайтда тўсатдан синглимнинг аҳволи оғирлашди. Акам тўйни қолдирди. Тўй-га аталган пуллар дори-дармонга кетди. Синглимнинг соғайиши учун кеча-кундуз бирга ишляймиз. Акам яхши қурувчи, мен ёрдам бераман. Синглим тузалса бўлди...

Бу орада Бахтиёр кўринади. Ўша таниш манзара. Қўлида тўрхалта тўла дори-дармон ва егулик. “Синглимнинг кабоб егиси келибди, — дейди ўзида йўқ хурсанд бўлиб. — Овқат сўра-ятими, демак, тузалаяпти-а”. У қувонч ва умид билан шифокорлардан жавоб кутади. Бахтиёр шифокорларга ҳам қадрдон бўлиб кетган. Ҳар кунни синглисининг аҳволини сўрашдан, оёққа туриб кетиши учун нима зарур бўлишини би-лишдан сира қарчмайди. Бемор синглининг эркакли-инжиклигини оғринмай кўтарари. Уни сунтириш, кўнглини кўтариш учун дугоналари номидан совғалар ташкил этади. Синглисининг хурсандлигини кўриш учун бир ҳафта ишлаб тогдан пулини бир сонияда сарф қилди. Заррча

ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН
MA3KYR QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2561.
42368 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй